

Назарий билимлар амалиётда мустаҳкамланмоқда.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети 2-босқич талабалари йил давомида олган назарий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида институт илмий-ўқув марказида “АгроИнженерлик” амалиётини ўтмоқда.

Амалиётда бўлажак бакалаврлар “Қишлоқ хўжалиги машиналари” ва “Тракторлар ва автомобиллар” кафедраси профессор-ўқитувчилари бошчилигига тракторлар, пахта териш машинаси, ғалла комбайнни ва бошқа бир қатор қишлоқ хўжалик машиналарини ўрганишяпти. Амалиётга “Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш” мутахассислиги бўйича 1-босқич магистрлари ҳам жалб этилганлиги амалиётнинг янада самарали ўтишини таъминламоқда.

